# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган ◆ № 133 (9.325) 1999 йил 15 ноябрь, душанба ◆ Сотувда эркин нархда


*Номзодларнинг сайловолди ташвиқоти*

**БУГУН**

**биз Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлигига «АДОЛАТ» СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИДАН кўрсатилган ва ушбу партия кенгаши томонидан тақдим этилган айрим номзодлар ҳақидаги сайловолди ташвиқот материалларини, партиянинг сайловолди ҳаракат дастурини газетанинг 2- ва 3-саҳифаларида ёритмоқдамиз.**

1999 5 декабрь — **САЙЛОВЛАР ОЛДИДАН** — 9 январь 2000

*Олий Мажлис ва маҳаллий Кенгашларга сайловларга* — **20 : КУН ҚОЛДИ**

*Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига* — **55 : КУН ҚОЛДИ**

*Мамлакатимиз ҳаётида муҳим жараён кечмоқда. Олий Мажлис ва маҳаллий Кенгашларга сайловларга саноқли кунлар қолаяпти. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови ҳам тобора яқинлашмоқда. Шу боисдан ҳозир қаерга борманг, ким билан учрашманг, гап сайлов мавзуси устида боради. Очиғи кўпчилик сайловчилар кимни қўллаб-қувватлашни аллақачон, яъни барча округлардан номзодлар рўйхати матбуотда эълон қилинган кунданоқ кўнгилларига тугиб қўйишган. Баъзилар эса кимга овоз бериш муддатини номзодлар билан учрашувлардан сўнг, уларнинг дастурлари билан батафсил танишгач белгилашни дилларига тугиб юришибди. Бинобарин ҳар кимнинг ўз фикри, тушунчаси, энг муҳими қалбида кимга ишониш туйғуси мавжуд.*

*Бугун республикамиздаги бешта сиёсий партиялар билан бир қаторда мустақил номзодларни қўллаб-қувватлаш маркази ҳамда ҳокимият вакиллик органлари ҳам Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига ва Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлигига неча кишидан иборат номзодлар кўрсатганликлари матбуотдан барчага маълум.*

*Албатта сайловлар жараёнида ким ютиб чиқади, буниси халқнинг иродасига ҳавола. Лекин ҳамма ўзи кўрсатган номзодининг ғолиблик шоҳсупасига чиқиши учун астойдил курашади. Бундан сиёсий партиялар ҳам, мустақил номзодларни қўллаб-қувватлаш маркази ҳам, ҳокимият вакиллик органлари ҳам мустасно эмас. Шундай экан, шаҳримиз аҳолиси ҳам биринчи навбатдаТошкент шаҳар Кенгаши ва фуқароларни ўзини-ўзи бошқариш органларидан кўрсатилган номзодларни қўллаб-қувватлашларига шак-шубҳа йўқ. Буни сайловчиларнинг таҳририятимизга йўллаётган дил сўзларидан ва шаҳримизнинг турли жойларида фаолият кўрсатаётган сайлов округлари ҳамда участкаларига бетўхтов келиб-кетиб турган пойтахт фуқароларининг фикр ва мулоҳазаларидан ҳам билиш мумкин.*



## ВАКИЛЛИК ОРГАНЛАРИ НОМЗОДЛАРИ УЧУН ОВОЗ БЕРАЙЛИК!

**● Ғофур ҚУДРАТОВ,**
**меҳнат фахрийси:**

— Сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эга фуқаролар борки, улар Ватан, эл-юрт тақдирига бефарқ эмаслар. Шунинг учун ҳам бу йилги сайловларнинг аҳамияти ҳар қачонгидан ҳам улуғворлик касб этмоқда.

Мен ўзим Юнусобод туманида яшайман. Бизга қарашли ҳудудда ҳаммаси бўлиб 8 та сайлов округи жойлашган. Улардан ўтадиган номзодлар рўйхати билан танишиб чиқдим. Очиғи улар жуда ҳам саралаб олинган, эл севган инсонлар. Лекин на чора, уларнинг ҳаммасига ҳам овоз беролмаймиз. Чунки сайлов қонунларига кўра ҳар бир сайловчи бир овозга эга. Хусусан мен ўзим 56-Отчопар сайлов округидан халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлигига кўрсатилган беш номзоддан биттасига овоз бераман. Ҳамиша ўзим яшаб турган шаҳрим учун фидойи инсон бўлиб қолишни ўз олдимга мақсад қилиб қўйган эканман, бу номзодлардан бирортасини камситмаган ҳолда фуқароларни ўзини-ўзи бошқариш органи томонидан тавсия этилган Обиджон Соибназаров учун овоз беришни ўз олдимга мақсад қилиб қўйдим.

**● Қодир РИХСИЕВ,**
**ишчи:**

— Жамиятимизда сайловлар мукаммал тартиб ва талаблар асосида ошкора, очиқ ўтади. Бу сайловлар Ўзбекистон қудратини дунёга яна бир карра намоён қиладиган нуфузли сиёсий тадбир ҳисобланади.

Яқинда матбуотда сайловлар ҳақидаги хабарларни кузата туриб Президентимизнинг: «Ҳар қандай партия, агар ўзини том маънодаги сиёсий партия деб ҳисобласа, авваламбор, аниқ ғояга эга бўлиш билан бирга нимагадир ва кимгадир мухолиф бўлиши зарур. Бундан қўрқмаслик керак» деган сўзларини ўқиб қолдим. Бундан маълумки, ҳар бир партия жамиятдан ўзининг муносиб ўрнини эгаллаш учун курашади. У ўзининг кучли ва аниқ ғоясига эга бўлиш учун айниқса сайлов мавсумида ҳокимиятда кўпроқ ва муносиб ўрин олишга ҳаракат қилади.

Зеро, сайловларда мавжуд сиёсий партиялар, мустақил номзодларни қўллаб-қувватлаш маркази ва ҳокимият вакиллик органларининг эл-юрт доирасида кўпроқ ўз овозига эга бўлиш учун кураш олиб борар эканлар, мен ҳам Тошкентдек шаҳри азим фуқароси бўлганлигимдан ва шу бебаҳо пойтахтда яшаётганлигимдан фахрланиш туйғуси билан биринчи навбатда ҳокимият вакиллик органлари томонидан кўрсатилган номзодларга овоз беришни истайман.

**● Омон ХУДОЙБЕРДИЕВ,**
**қурувчи:**

— Рўйхатдан ўтган номзодлар сайловгача қолган муддат мобайнида нималарга қодир эканликларини сайловчилар билан учрашувлар давомида очиқ-ойдин кўрсатадилар. Лекин бу масалада номзодларнинг кимлиги, эгаллаб турган лавозими, нуфузига қараб эмас, балки барчага баробар тенг шароит яратиб берилиши керак. Чунки шароит тенг бўлгандагина кураш майдонида кучларга холис баҳо бериш имкони туғилади. Бундай дейишимнинг боиси бор. Биз илгариги сайловларда ҳар бир округда битта ёки иккита номзоднинг исми-шарифини кўришга кўникиб қолгандик. Бу гал эса ҳар бир округда беш-олти, ҳатто саккизтагача номзод рўйхатини учратиш мумкин. Улар орасида нуфузли раҳбардан тортиб оддий тадбиркору ўқитувчигача бор.

Куни кеча «Тошкент оқшоми» газетасида эълон қилинган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлигига халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашидан ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органидан кўрсатилган номзодлар ҳақидаги сайловолди ташвиқоти материаллари билан танишиб чиқдим. Очиғи ундан ифода этилган номзодларнинг бирортасини тасодифан рўйхатга тушиб қолган деб бўлмайди. Қани энди иложи бўлсаю, уларнинг барчасига овоз берсам. На илож, уларнинг орасидан ҳам энг сарасини танлашимиз лозим. Мен «Шарқ гули» бадиий ишлаб чиқариш бирлашмаси бошқаруви раиси Саида Ғаниева номзоди учун овоз беришни дилимга тугиб қўйдим.

***Бир сўз билан айтганда, сайловлар кампаниясида муҳим босқич бошланди. Зотан, эртага номзодлар орасида кимларнинг депутатлик мандатига эга бўлиши аввало ташвиқот ва тарғибот ишларига, қолаверса сайловчиларнинг уюшқоқлигига, нечоғли теран фикр ва мулоҳаза ила танлаган номзодларига берадиган холис овозига боғлиқ. Биз сайлаган депутатлар орасида ҳокимият вакиллик органлари томонидан номзоди кўрсатилган муносиб кишиларнинг номлари ҳам кўпроқ бўлишини истардик.***

*Изҳор*

**● Хайринисо БОЗОРБОЕВА,**
**кўп болали она:**

— Бу сафарги сайловлар ўзгачалиги билан ажралиб турганлиги ҳақида барча тўлқинланиб гапирмоқда. Чунки кимга овоз беришингизни ўзингиз белгилайсиз, сайлов участкаларида эса номзодлар ҳақида батафсил маълумот олишингиз мумкин. Бу билан кўрсатилаётган шахсингизни ўрганасиз, унинг нима ишлар қилган ва қила олишига оқилона баҳо бера оласиз.

Хонадонимиздан фарзандларим, набираларим билан бирга 8 киши овоз берамиз. Мен кўп болали она сифатида ўзим ва фарзандларим овоз бераётган номзоднинг оилапарвар, кўзлаган мақсади йўлида изланувчан, бир сўзли бўлишини, фарзандларимиз камоли учун алоҳида қайғуришини истайман.

Биз оила аъзоларимиз билан келишиб олдик, тўғриси илгаригидай барчамиз учун оиладан бир кишигина сайлов бюллетенларини олиб бормай, ҳар ким ўз номзоди учун овоз беради.

**● Дилноза АСҚАРОВА,**
**талаба:**

— Бу йилги сайловлар биз ёшлар ҳаётида муҳим сиёсий воқеа десам асло янглишмайман. Негаки, биз ёшлар ҳам энг асл, энг сара ватандошларимиз учун овоз берамиз. Мен биринчи марта овоз бераяпман. Шунинг учун ҳам ҳаяжондаман. Лекин халқимизда «Етти ўлчаб бир кес» деган мақол бор. Шу боис ҳам юртимизнинг, халқимизнинг ва айниқса, биз ёшларнинг беш йиллик тақдири ишониб топширилаётган Олий Мажлис депутатларининг муносиблари учун овоз бериш ниятидамиз.

**● Тоҳир ИМОМБЕРДИЕВ,**
**қурувчи:**

— Биз илгарилари сайловлар ҳақида бутунлай бошқача тасаввурда эдик. Чунки аввалари сайлов участкасига бориш кераклиги учун, баъзида у ерда сотилаётган нарсалардан харид қилиш учун бориларди. У ерда номзод кимлигини ҳам билмай кўр-кўрона овоз бериб қайтардик. Унинг дастури ҳам бизни қизиқтирмасди. Сайлаган депутатимизнинг иши, келгуси режалари биз учун қоронғи эди.

Бугунги сайловга қизғин тайёргарлик, тарғибот-ташвиқот ишлари барчамизнинг кўзимизни очди, десак янглишмаган бўламан. Мен оддий қурувчиман. Пойтахтимизни яшнатишда ўз ҳиссамни қўшмоқдаман. Истардимки, мен овоз берган номзод халқим, юртим деб ёниб яшасин, яхши ниятлар билан эришган мустақиллигимизни мустаҳкамлашга муҳим ҳисса қўшсин.




**Шаҳримиздаги сайлов участкаларида сайловчилар ўртасида тушунтириш, тарғибот-ташвиқот ишлари қизиб кетди. Сайловчиларни айниқса вакиллик органларидан қўйилган номзодлар тўғрисидаги маълумотлар кўпроқ қизиқтирмоқда.**

**СУРАТДА: Қорақамиш 2/4 даҳасида жойлашган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва маҳаллий Кенгашларга сайлов ўтказувчи 23-Тансиқбоев сайлов округи ҳам доимо сайловчилар билан гавжум. Округ сайлов комиссияси аъзоси Тожиддин Абдувоҳидов (ўртада) Р. Исмакова,Г. Сатимова, Ф. Тўраева, Э. Парпихўжаева каби сайловчиларни қизиқтирган саволларга жавоб бермоқда.**

**Нўъмон Муҳаммаджонов олган сурат.**

*Анжуманлар*

*«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлими томонидан амалга оширилаётган оналар саломатлигини сақлаш, ёш авлодни маънан етук, жисмонан соғлом кишилар қилиб тарбиялаш борасидаги ишлар ибратлидир. Куни кеча «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармасининг навбатдаги ҳисобот-сайлов конференциясида шу ҳақда гапирилди.*

## ЖАМҒАРМАНИНГ ҲИСОБОТ-САЙЛОВ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

Конференцияда 1999 йилнинг ўтган ўн ойи мобайнида жамғарманинг шаҳар бўлими ва унинг туманлардаги таянч бўлимлари томонидан қилинган ишлар тўғрисида ахборот ҳамда раҳбар органларни сайлаш масалалари кўриб чиқилди.

Жамғарма директори Г. Й. Юнусхўжаева бошқа ишга ўтганлиги сабабли, директор ўринбосари лавозимида ишлаб келган Гўзал Тўхтаева «Соғлом авлод учун» хайрия жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлими директори этиб сайланди. Шунингдек, жамғарма бошқарувининг янги аъзолари ҳам сайланди.

Конференцияда жамғарма директори Г. Тўхтаева ўтган ой якунлари ва келгусида жамғарма олдидаги вазифалар тўғрисида ахборот берди. Шунингдек, Чилонзор тумани «Соғлом авлод учун» жамғармасининг таянч бўлими директори Л. Қўчқорова, «Она ва бола» маркази раҳбари Л. Исаков она ва болаликни муҳофаза қилиш, ўсиб келаётган ёш авлодни соғломлаштиришда айрим муаммолар тўғрисида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Конференцияда Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раиси Фарида Абдураҳимова қатнашди.

***Дилором ИКРОМОВА.***

## ҲАМКОРЛИК ҚИРРАЛАРИ

*Тошкент шаҳридаги нодавлат ва нотижорат ташкилотлар фаолиятини янада такомиллаштириш, уларнинг ёшлар тарбияси билан, банд бўлмаган аҳолини иш билан таъминлаш борасидаги вазифаларини кенг кўламда олиб боришларини таъминлаш мақсадида шаҳар ҳокимлигининг жамоат ва диний ташкилотлар билан алоқалар бўйича котибияти тарафидан берилган аниқ йўл-йўриқ ва тавсиялардан келиб чиққан ҳолда, мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг Тошкент шаҳар ва вилоят кенгашида ўқув-услубий семинар бўлиб ўтди. Семинарда ташкилотнинг шаҳар ва туман кенгашлари раислари ва бошланғич ташкилотлардаги масъул ходимлар иштирок этдилар.*

Ёшлар орасида маънавий-маърифий тарғибот ишларини олиб боришда ташкилот ходимлари олдидаги вазифалар масаласи семинарнинг асосий мавзуси бўлиб, унда сўзга чиққанлар ташкилотнинг ўз олдига қўйган вазифалари ва бугунги кун талабларидан келиб чиқиб, бошқа жамоат ташкилотлари билан ўз ишларини мувофиқлаштириб боришлари борасида атрофлича тўхталиб ўтдилар.

Шунингдек, семинарда бугунги кунимизнинг долзарб муаммоларидан бўлган хавфсизлик, халқаро терроризм борасидаги масалаларга ҳам тўхталиб, ёшларнинг Ватанга садоқат, эл ишига камарбаста бўлиб камол топишида энг аввало кенг жамоатчилик, жумладан, жамоат ташкилотларининг ўрни катта эканлиги айтиб ўтилди. Семинар ишида «Маҳалла», «Камолот», «Нуроний» жамғармаларининг шаҳар бўлимлари масъул ходимлари иштирок этиб бу борада ўз таклиф ва мулоҳазаларини билдирдилар.

Тадбирнинг иккинчи қисми «Ватанпарвар» ташкилотининг Юнусобод туманида жойлашган спорт-техника клубларида амалий кенгаш тарзида давом эттирилди.

Семинарга бошқа жамоат ташкилотлари вакилларининг таклиф этилгани кўтарилган масалалар бўйича бундан буён ҳамкорликда ишлар олиб бориш учун ўзига хос замин яратди. Шунингдек, маҳаллаларда ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш учун «Маҳалла» жамғармаси билан ҳамкорликда спорт-техника клублари, жойларда ёшлар билан уларни қизиқтирган мавзуларда давра суҳбатлари ташкил этиб боришга келишиб олинди.

## ДАВР САДОСИ

«Тошкент оқшоми»

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ АХБОРОТЛАР

### МАМЛАКАТИМИЗДА

◆ Президент Ислом Каримовнинг Хитой Халқ Республикасига якунланган давлат ташрифи Хитой оммавий ахборот воситаларида катта қизиқиш уйғотди. «Женьминь жибао» газетасининг 8 ноябрь сони «Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Хитойга давлат ташрифи» мақоласи билан бошланган. Мақолада давлатимиз раҳбарининг таржимаи ҳоли, меҳнат фаолиятига доир маълумотлар берилган.

◆ Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига кўра В. В. Фен Ўзбекистон Республикасининг Корея Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси этиб тайинланди.

◆ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг матбуот марказида матбуот конференцияси бўлиб ўтди. Конференцияда мамлакатимизда бўлажак сайловлар бутун жаҳон жамоатчилигида ҳам катта қизиқиш уйғотаётгани, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови ва Олий Мажлисга сайловда ЕХҲТдан 20 нафар экспертнинг кузатувчи сифатида қатнашиши кутилаётгани маълум қилинди.

◆ Суд ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш тўғрисида таклифлар тайёрлаш комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

◆ Газеталарда «Дин ва демократия» халқаро динлараро сиёсий анжуман қатнашчилари томонидан қабул қилинган диний-сиёсий терроризм ва экстремизмга қарши Тошкент Резолюцияси эълон қилинган.

◆ Республика «Камолот» жамғармаси ҳузурида ташкил этилган мамлакатимиз ёшлари орасида ижтимоий-сиёсий, маърифий-диний тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришга мўлжалланган «Ҳушёрликка даъват» амалий мулоқот гуруҳининг Сурхондарё вилояти бўйлаб навбатдаги сафари бошланди.

◆ Пойтахтдаги «Ўзэкспомарказ»да чехиялик сармоядорлар билан ҳамкорликда тузилган «Пульсар» савдо ишлаб чиқариш концерни ишлаб чиқараётган янги маҳсулотларнинг тақдимоти бўлиб ўтди.

◆ «Ўзбектелефильм» студиясида суратга олинган, тарихий воқеаларга асосланган беш қисмли «Силсила» видеофильмининг тақдимоти бўлиб ўтди.

◆ **Кеча** пойтахтимиздаги 8-бокс мактабида бокс бўйича ўсмирлар ўртасидаги халқаро турнир ниҳоясига етди.

### ЖАҲОНДА

◆ Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, шунингдек халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловлар мустақил мамлакатимиз ҳаётида муҳим сиёсий ижтимоий воқеадир. Шу боис унга хорижий давлатларда ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Хусусан Саудия Арабистонида чиқадиган «Ар-Рияд» газетаси «Ўзбекистон: Президент сайловларида иштирок этиш учун бешта партия рўйхатдан ўтказилди» сарлавҳали ахборот чоп этди. Унда Марказий сайлов комиссияси мажлисидан олинган маълумотлар эълон қилинган.

◆ **Кеча** Украинада ўтказилган Президент сайловининг иккинчи босқичи дастлабки маълумотларига қараганда мамлакатнинг ҳозирги раҳбари Леонид Кучма 76 фоиздан ортиқ овозга, Пётр Симоненко эса 37 фоиздан кўпроқ овозга эга бўлганликлари аниқланди.

◆ **Бугун** икки кунлик ташриф билан Японияга Индонезия Президенти Абдураҳмон Воҳид келади.

◆ **Бугун** Буюк Британия қироличаси Елизавета II Жанубий Африка Республикасидан Лондонга жўнаб кетади. У сафар давомида йўл-йўлакай қисқа муддатли ташриф билан Мозамбикда бўлади.

◆ **Бугун** Гаванада 9-Испан-Америка саммити ўз ишини бошлайди.

◆ Германия олий апелляция суди ГДРнинг сўнгги партия давлат раҳбари Эгон Кренц ва унинг икки салафи устидан чиқарилган айблов ҳукмини тасдиқлади. Ҳар иккала шахс ҳарбийларга Шарқий Германия ва Ғарбий Германияга қочиб ўтишга уринган кишиларга ўт очишга буйруқ беришда айбланмоқда.

◆ **Бугун** Японияда чекувчи аёллар муаммосига бағишланган Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг конференцияси очилади.

◆ Туркияда иккинчи бор кучли ер силкиниши қайд этилди. Зилзиланинг кучи 7,2 баллга етди. Дастлабки маълумотларга қараганда 400 киши ҳалок бўлган, жароҳатланганлар сони эса 3 мингдан ортиқни ташкил этади. Қутқарув ишлари олиб борилмоқда.

◆ Шимолий Америкада ўтаётган баскетбол мусобақаларининг навбатдаги тур ўйинларида Лос-Анжелес баскетболчилари ўзлари учун кучли саналган Ғарбий минтақа вакили Хьюстон клубини қабул қилиб, рақибидан ҳар томонлама устун эканликларини исботлади.

